

Навбатдаги ифторлик дастурхони Термиз маҳалласи учун ёзилди



Ҳар бир юртдошимиз учун муқаддас саналган Рамазон ойида инсон қадрини улуғлаш, саховат, меҳр-оқибат ришталарини кучайтириш, кекса ва нурунийларни йўқлаш янада жонланади. Туманимиз маҳаллалари кесимида ўтказилаётган ифторлик тадбирларида ҳам айтилган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Бахтбек” тўйхонасида ёзилган ифторлик дастурхонига Термиз маҳалласининг кекса ва нуруний инсонлари таклиф этилди.

Тадбир сўнггида дуога қўл очган кекса-ю, ёш юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлишини Яратгандан сўрадилар.